Aksiseda matbaasi, 1981. 3 Baski. – 538 s.; Баратова Л.С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI-X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1995. – 26 с.; Ўша муаллиф: Турк ҳоконлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 44-61; Кычанов Е.И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. - М.: Наука, 1997. – 115 с.; Рахманалиев Р. Империя тюрков. – М.: Прогресс, 2002. – 912 с.; Golden P.B. Turk Halklari tarihine giris / Cev. O. Karatay, Karam.- Ankara, 2002. – S. 109; Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город // Изв. Национальной академии наук Республики Казахстан. Серия общественных наук. 2009. – № 1. – С. 105-146.

¹⁵Gibb H.A.R. The Arab conquests in Central Asia. – London, 1923. – 214 p.; Kurat A.H. Kuteyba bin Muslimin Hvarizm ve SemerkendI zebti (higri 93-94-miladi 712) // Ankara Universiteti Dil va Tarih- Gografiya dergisi. - Ankara, 1948. Cilt VI. - № 4. - S. 387-430; Кляшторный С.Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов// Эпиграфика Востока (куйида-ЭВ). – М., 1954. – Вып. IX. – С. 55-64; Смирнова О.И. К истории Самаркандского договора 712 г. Договор арабского поководца Кутейбы с царем Согда Гуреком, заключенный в 712 г.// Краткие сообщения института востоковедения АН СССР (куйида - КСИВАН). - М.-Л., 1960. – Вып. XXXVIII. – С. 69-79; ўша муаллиф: Из истории арабского завоевания Согда/ Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 199-271; Джалилов А. Согд накануне арабского нашествия и борьба согдийцев против арабских завоевателей в первой половине VIII в.// Тр. Института истории, археологии и этнографии Тадж. ССР. - Сталинабад, 1961. Т. XXX. – С. 82-103; Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. - Ташкент: Фан, 1965. – 240 с.; Ахунова Н. Тюрки в системе государственного управления арабского халифата. – Баку: Элм, 2004. – 168 с.

¹⁶ Ртвеладзе Э. Цивилизации государства культуры Центральной Азии. – Ташкент: УМЭД, 2008. – 300 с; Нурулло-Ходжаева Н.Т. «Танцующие» купцы вне империи на Шелковом пути. – В жэурнале вестник МГИМО-Университета, издательство МГИМО (У) МИД России.Москва, №3(60). – С. 119-139.

¹⁷ Исҳоқов М.М. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари. / Ўлмас обидалар. – Тошкент: Фан, 1989. – 143 б; Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари /Ўлмас обидалар. – Тошкент: Фан, 1989. – 143 б.; Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Тошкент: Фан, 1990. – 30 б.; Унутилган подшоликдан хатлар. –Тошкент: Фан, 1992. – 30 б.; Палеографическое изучение согдийских письменных памятников.: дисс. док. ист.наук. – Ташкент, 1992. – 280 с.; Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийско–тюркские контакты) // O'zbekiston tarix, 2000. – №4. – С. 46–57; Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Тошкент: УМЭД, 2009. – С. 77–80.

¹⁸ Бобоёров Ғ. Турк ҳоконлиги даврида Суғд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик. – Тошкент, 2002. – № 11. Б.119–129; Марказий Осиёда VI–VIII асрлардаги сиёсий –этниқ жараёнлар (Ўрхун–Энасой ёзувидаги манбалар асосида): Тарих фан. ном. дисс.автореф. – Тошкент, 2003. – 29 б.

¹⁹ Отаходжаев А.М. Тюрко–согдийские отношения в политических, социально–экономических и этнокультурных процессах в раннем средневековье. Автореферат дисс. док... ист. наук. – Ташкент, 2011. – 28 с.

²⁰ Мансуров Ў.Н. Суғд ёзма ёдгорликлари манбашунослиги масалалари: тарих фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 26 б.

Муғ тоғи суғд ҳужжатлари асосида ўрганган²¹. Б. Ғойибов ишлари Суғд иттифоқини (конфедерацияси) ўрганишга бағишланган²². А.Ходжаев хитой манбаларида келтирилган суғдийлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганган²³. Ш.Камолиддин қадимги Ўрта Осиё топонимиясини ўрганган²⁴. Э.В. Ртвеладзе, А.Мусакаева, Г.Бобоёровлар суғд даври нумизматикасини ўрганганлар²⁵; Ў.Мавланов суғдларнинг Буюк ипак йўли бўйлаб кўчиш йўналишларини тадқиқ қилган²⁶.

Умуман яратилган асарларда акс этирилган кенг илмий-назарий ва эмпирик материалларнинг тарихшунослик нуқтаи назардан амалга оширилган таҳлили Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихини ўрганишда асосий йўналишларини ва илмий тадқиқотларга оид дискурсларни аниқлаш, шунингдек минтақадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар контекстида суғдийлар муаммоси махсус тадқиқот объекти бўлмаганлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берди.

Алоқаларнинг бошланганлиги, товарлар ва ютуқлар билан алмашиш жараёнининг муҳимлигини таъкидлаган Ф.Ф.Рихтгоффен, К.Риттер, В. Томашек²⁷ каби олимлар XIX асрнинг иккинчи ярмида суғдийларнинг савдо-сотиқда воситачилик ҳамда маданий алоқаларга асосланган халқлар ўртасида ҳамкорликнинг янги шаклини яратишдаги ўрнини кўрсатиб ўтадилар.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Шарқий Туркистондаги (Синьцзян) археологик топилмалар жуда муҳим илмий аҳамият касб этади. Бу ерда рус, инглиз ва немис олимлари экспедициялари (А.Стейн, А.

²¹Шаякубов Ш.Ш. VI–VIII асрлар Марказий Осиё тарихида Суғд (суғд ёзма ёдгорликлари асосида): Тарих фан.ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 28 б.

²²Ғойибов Б.С. Формирование, развитие и упадок согдийской конфедерации: Автореферат диссертации доктора наук (DSc). – Ташкент, 2017. – 28 с.

²³ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. Б.66–70; Он же Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши // Мозийдан садо. – 2002. – №2 (14). Б. 4; Қадимги Хитой манбаларида туркий халқларга оид айрим этнонимлар // O'zbekiston tarixi, 2003. – № 1. – Б. 3–11. Ўша муаллиф. Сведение китайских источников о тюрках в II и I тыс. до нашей эры // Взаимодействие Казахстана с сопредельными странами в XVIII – нач. XX вв. Современный взгляд на проблемы. – Актюба, 2004. – С. 16–22; Хитой манбаларидаги суғдийларга оид айрим маълумотлар // O'zbekiston tarixi, 2004. – № 1. –Б.52–61.

²⁴ Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. –Ташкент: Шарк, 2006. – С. 77–112; Ўша муаллиф. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // ОНУ, 2003. – № 3. – С. 63–68; Ўша муаллиф. “Китаб ан–Ансаб” Абу Саъд Абдулкарима ибн Мухаммада ас–Самъаний как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 108–109; Ўша муаллиф. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабо-язычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – 422 с.

²⁵ Мусакаева А. К истории денежного обращения в Западном Согде (клад подражаний тетрадрахмам Евтидема из Бухары) // ОНУ, 1986. – № 6. – С. 35–38; Бобоёров Ф. Турк хоконлигининг Мовароуннахрдаги бошқарув тизими ҳақида. // O'zbekiston tarixi, 2000. – № 4. – Б. 72–73; Ўша муаллиф. Марказий Осиёда VI–VIII асрлардаги сиёсий–этник жараёнлар (Ўрхун–Энасой ёзувидаги манбалар асосида): Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 29 б.

²⁶ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – 432 б.; Коммуникации и торговые пути в Средней Азии: Формирования и этапы развития. – Ташкент, 2009. – 46 с.

²⁷ Риттер К. Землеведение Азии. География стран Азии, находящихся в непосредственных сношениях с Россией. Восточный или Китайский Туркестан. – Германия, 1869. – 546 с.; Томашек В. Central asiatische Studien. – Berlin, 1877; Richthofen F.F. (von). China. Ergebnisse eigener Reisen und darauf gegründeter Studien. – Berlin: D. Reimar Verlag, 1877, 1883.

Грюнведель, А.Лекок)²⁸ фаол иш олиб борган. М.А.Стейн Дуньхуан кутубхонасини жаҳонга танитди, Шарқий Туркистонда суғдийлар жамоалари тарихи бўйича ноёб манба – “Кўҳна Суғд хатлари”ни, Такла Макандаги илк мумиёларни, Буюк Хитой деворининг давомини ва кўплаб бошқа машҳур топилмаларни қўлга киритган²⁹.

Суғд савдогарларининг манзилгоҳларни яратиш фаолияти, суғдийларнинг этник ва лингвистик мансублиги каби суғдшунослик муаммолари япониялик олимлар К.Эноки, Й.Йошида, шунингдек италиялик олим Т.Осава ва эронлик тадқиқотчи Б.Ғариб тадқиқотларида қисман ҳал қилинган³⁰.

Суғдга бағишланган тадқиқотларда Хитой тарихшунослиги аҳамиятли ўрин эгаллайди. Хитой олимлари ишлари ичида Чжан Синлана, Чэнь Инькэ, Цзи Сяньлиня, Чжан Гуанда монографиялар алоҳида ўрин эгаллайди ва уларда суғдийларнинг бутун Хитой ҳудудида тарқалганлиги кўриб чиқилган; олимлар Ма Сяохэ, Жун Синьцзян Муғ тоғи ҳужжатларини ўрганганлар; Цзян Боцинь суғдийларнинг Хитойдаги бошқарув тизимини, шунингдек суғд санъатини ўрганган; У Хун, Лю Ган, Ван Дон Мэй, шунингдек Чжан Цзи Пин ва Лю Чжи Цзюань каби олимлар суғдийларнинг Буюк Ипак йўлидаги алоқалардаги ўрнини тадқиқ қилганлар; Би Бо, Лин Мэйцуна, Дуань Цинлар суғд савдосига бағишланган асарлар эълон қилганлар; Пэн Ланьцзя ва Ян Янлин монографияларида суғдийлар савдогарлар сифатида ўрганилган, Шу Минь суғдийлар санъатини тадқиқ қилган³¹. Афсуски хитой

²⁸ Le Coq von A. Türkische manichaica aus Chotscho I // APAW. – Anhang, 1911. – Berlin, 1912. – S. 44; Sims-Williams N. Ancient Letters. Encyclopedia Iranica / 1. ed. E. Yarshater. – London, 1985. – vol. II. – Pp. 7–9; The Sogdian Ancient Letters: 1, 2, 3 and 5. School of Oriental and African studies University of London. <http://depts.washington.edu/silkroad/texts.html>.

²⁹ Stein A. Serindia. Detailed Report of Archeological exploration in Central Asia and Westernmost China.-Oxford. 1921. Vol. 1-5; The Thousand Buddhas. Ancient Buddhist Paintings from the have Temples of Tun – Huang.-London, 1921. Vol.1-3; Detailed Report of exploration in Central Asia, Kan –su and pastern Iran. – Oxford, 1928. Vol. 1-4. – 868 p.; On Ancient Central Asian Tracks. – London, 1933. – 260 p.

³⁰ Enoki K. Sogdiana and Hsiung– nu // Central Asiatic Journal, 1955. – №1. – Pp. 43–62; Yoshida Y. Some New Readings of the Sogdia Kara Balasagun inscription // Documents et archives de L Asie Central. – Paris, 1988. – Pp. 117–123; Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian – Persian– English. –Teheran: Farhangian Publications, 1995. – 517; Osawa T. Aspect of the Relationship between the Ancient Turks and the Sogdians – Based on a statue with Sogdian Inscription in Xinjiang // Eran ud Aneran. Studies Presents to B.I. Marsak on the Ocassion of His 70th Birthday. – Venezia, 2006. – Pp. 471–504.

³¹ Чжан Синлан. Чжунси цзяотун шилё хуэйбянь. («Сборник материалов по истории взаимодействия Запада и Востока»). – Пекин, 1977; Ма Сяохэ. Гунюань башици чуняньде сутэ – жогань мугэшан вэньшу дэ яньцзю («Согд в начале VIII в. н. э.: исследование нескольких мугских документов») // Чжоуя сюэкань. – Пекин, 1990. – 138 с.; Чжан Гуанда. Сиюй шиди цунгао чубянь («Сборник статей об истории и географии Западного края»). – Шанхай, 1995; Чэнь Инькэ. Суйтан чжиду юаньюань люэлуныгао («Коротко о истоках строя династий Суй и Тан»). – Пекин, 2001. – С. 213–216; Жун Синьцзян. Чжунгу чжунго юй вайлай вэньмин («Средневековый Китай и экзогенная культура»). – Пекин, 2001; Он же. Чжунгу чжунго юй сутэ вэньмин («Средневековый Китай и культура Согда»). – Пекин, 2014; Шу Минь. Воображение пустыни «Дамо чансян». – Китай, 2004; Зонн И.С., Тянь Юй–чжао («Новое прочтение Великого шелкового пути»). / www.postsovietarea.com; Цзян Боцинь. Жухуа сутэжэнь сабаофу шэньфэнь тичжи юй хуасянши цзиняньсин ишу («Согдийская система управления Сабао в Китае и монументальное искусство каменных барельефов») // Сутэжэнь цзай чжунго. – Пекин, 2005. – С. 201–208; У Хун. Хуахуа юй фугу – фансингодэ цииши («Китаизация и ретро: откровение каменного саркофага в форме жилища») // Наньцзин ишу сюэюань сюэбао. – Нанкин, 2005. – С. 1–6; Jiping Jhang. Story of the Silk Road. - Beijing: China International Press, 2005. - 176 Pp.; Zhijuan Liu. The Story of Silk. – Beijing: Foreign Languages Press, 2006. – 160 Pp.; Zhang Yiping Story of the Silk Road. – China, 2005. Би Бо. Каогу синьфасянь соцзянь Канцзюй юй Сутэ (Кангюй и Согд по новым археологическим находкам). тезисы докладов. – Ланьчжоу, 2011; Дуань Цин. Сутэ шандуй даоюйтянь – ВН4–135 чжи юйтянь вэйшудэ цзеду («Прибытие согдийского каравана в Хотан: расшифровка хотанского

археологларининг аксарият ишларида тарихчи ва маданиятшунос олимларнинг маълумотлари жалб қилинмаган. Баъзи ишларда маълумотларнинг комплекс таҳлили амалга оширилмаган, суғдийларнинг Хитой иқтисодиёти ва маданиятига таъсири ҳақида хулосалар чиқарилмаган.

Шундай қилиб, хориж олимлар томонидан суғдийларнинг Буюк Ипак йўлидаги фаолияти тўғрисида кўплаб монография ва мақолалар ёзилган бўлиб, улар суғдийлар тарихининг турли муаммоларига бағишланган. Шунга қарамасдан суғдийларнинг Буюк Ипак йўлида манзилгоҳлар яратишини даврлаштириш, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрда олимлар томонидан суғдийлар манзилгоҳларининг топилиши, уларни ўрганиш тарихи, Буюк Ипак йўлида қадимги ва илк ўрта асрларда суғдийлар алоқалар тизимини яратганлиги, улар билан боғлиқ масалалар XX асрнинг тарихий ва тарихшунослик адабиётларида фрагментар тарзда ўрганилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Буюк Ипак йўлида Суғд манзилгоҳлари: босқичлар ва натижалар”**га бағишланган. Ушбу бобда Буюк Ипак йўлида суғдийлар манзилгоҳлари шаклланишининг тарихий ретроспекцияси кўриб чиқилган, Суғд – Ўрта Осиёдаги энг қадимги маданий ҳудуд эканлиги, у Зарафшон водийсида (Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро воҳалари) жойлашганлиги аниқланган. Суғд ҳақидаги илк маълумотлар “Авесто” муқаддас китоби ва Аҳамонийларнинг миххат билан ёзилган манбаларида, шунингдек, кейинги даврларда Қадимги Юнон олимлари асарларида учрайди. Улар ушбу ҳудудни Суғд, Сугуда, Согдиана деб аташган³².

“Авесто”нинг Видевдод китобининг биринчи бобида Суғд “Гава Сугда”номи билан тилга олинади. Лекин ундан Суғднинг қайси қисми ҳақида сўз юритилаётганлигини тушуниш қийин. “Авесто”нинг “географик” бўлимида (Меҳр Яшт китоби) “Гава Сугдага ҳамда Марв, Гарируд водийси, Хоразм каби бошқа мамлакатларга чуқур ва кенг дарёлар оқиб боради” дейилган. Афсонавий тасаввурларга кўра, Гава Сугда инсон ҳаёти учун энг мақбул макон, ўлкадир.

“Гава” сўзи олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Хусусан, В.В. Бартольд “Гава” сўзини “Фау” деб ўқишни таклиф қилади ва уни “Нахри Фай” каналининг номланиши билан боғлайди³³. Бошқа тадқиқотчилар “Гава” сўзини Хитой ёзма манбаларидаги Хау сўзи билан боғлаб, уни Кушон давлати билан тенглаштирадilar, ва уни Самарқанд воҳасидаги Миёнқол ҳудудида жойлашган, деб таъкидлайдилар.

Антик даврда Суғд, Македониялик Александр кўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатилишига қарамасдан (антик даври муаллифларига кўра³⁴), эллинистик давлатлар тизимига кирган. Шунинг учун унинг моддий маданияти, шаҳарсозлиги ва санъатида эллинлар таъсири остида шаклланган

документа ВН4–135») // Сутэжэнь цзай чжунго. – Пекин, 2016. – С.96–115; Лин Мэйцунь. Сиюй каогу юй ишу («Археология и искусство Западного края»). – Пекин, 2017; Пэн Ланьцзя, Ян Янлин Древний шелковый путь Китая. – Ташкент, 2018.

³² Древние авторы о Средней Азии (VI до н.э.– III в. н. э.). – Ташкент, 1940. – 60 с.

³³ Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. – Москва, 1963. – С. 144, 148, 184.

³⁴ Обельченко О.В. Культура античного Согда. – М., 1992. – С. 220.

стереотиплар тасодифий эмас эди. Антик манбалар Суғдиёнанинг чегаралари жанубда Амударёдан, шарқда эса Сирдарёдан ўтганлигини таъкидлайди. Хусусан, антик даврнинг машхур географи Клавдий Птоломей Суғд чегараси жанубда Оксдан (Амударё), Кавказ тоғларидан (Бадахшон тоғлари назарда тутилади, баъзида уни Ҳинд тоғлари ҳам деб номлайдилар) ўтади деб ёзади: шимолда тоғлар, “Окс”, “Скифия”, шарқда Яксарт дарёси ва Комед тоғи суғдийлар ва скифлар ўртасидаги чегара ҳисобланади. Шу билан бирга у Мароқандни Бактрия шаҳарлари қаторига киритган³⁵.

Суғд таркибига катта чўл ҳудудлари кирганлиги тўғрисида Квинт Курций Руф маълумот беради. “Суғдиёна аксарият ҳудуди чўллардан иборат мамлакатдир: кенг аҳолисиз жойлар тахминан 80 стадий кенгликка чўзилган. Тўғри йўналганда ҳам бу мамлакат ғоят катта”³⁶.

Суғдлар машхур Буюк ипак йўлининг қуруқликдаги минтақалараро савдо йўлида савдони фаол ташкиллаштира олганлар. Суғдийлар қуруқликдан ўтган машхур трансконтинентал савдо йўли - Буюк Ипак йўлида фаол савдо-сотиқни ташкил қилишга муваффақ бўлганлар. Ўрта Осиё ҳудудидан Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи ўтган, унинг Ўрта йўли Суғд орқали ўтган бўлиб, сўнг Волга дарёсининг этаклари ва шимолий Кавказ, Византия империясигача етиб борган. Панжикент яқинидаги Муғ тоғида археологлар томонидан топилган турли силлиқ, кимҳоб гулли, турфа рангли хитой газламалари ва “Мощевая балка” деб номланган қадимги аланлар қабристонида топилган газламалар буни тасдиқлайди³⁷.

Шундай қилиб, Қадимги Суғдиёна Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган йирик тарихий-маданий ҳудудлардан бири ҳисобланади. У қўшни давлатларга ҳар доим кучли таъсир кўрсатиб келган ва улар ҳаётида катта ўрин эгаллаган.

Суғдийларнинг Чоч ҳудудида фаоллашганлиги милоддан аввалги VI-IV асрларда тасдиқлайди. Улар мазкур минтақанинг савдо-иқтисодий ҳаётининг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшганлар. 2020 йилда Қозоғистоннинг Туркистон вилояти Арис туманидаги қадимги шаҳар Култобе ўрнида суғд тилида 218 белгидан иборат 7 сатр ёзишган ноёб тахтача топилган. Топилмани Кембридж университети профессори Н.Симс-Уильямс қисман мазмунини ёритишга ҳаракат қилинган. Ёзувда шаҳарнинг суғдлик Сапад Ани исмли Чоч қўшинлари раҳбари томонидан яратилгани баён қилинган. “У бу ерга боғлар (“бак” - боғ сўзидан) одамлари ерларида ҳамда чодирлар одамлари (яъни кўчманчилар) ерларида шаҳар қуриш учун келган”. Бунда ўша даврнинг энг муҳим марказлари бўлган Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб ва Чоч ҳукмдорлари санаб ўтилади. Бу ерда ҳукмронлик қилган кишилардан бири ўлдирилганлиги ҳамда қандайдир бойликлар бўлганлиги ва

³⁵ Пьянков И.В., Средняя Азия в античной географической традиции. Источниковедческий анализ. – Москва: ИВЛ–РАН, 1997. – 342 с.

³⁶Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. - М.: Изд-во МГУ, 1993. - Перевод сочинения римского историка Квинта Курция Руфа, впервые опубликованный в 1963. – С. 61.

³⁷ Зал культуры племен Северного Кавказа в раннем средневековье. Мошчевая Балка. Памятник на Северокавказском шелковом пути. Могильник VIII–IX вв. /[http:// rec.gerodot.ru/hermitage/balka.htm](http://rec.gerodot.ru/hermitage/balka.htm)

улар кейинчалик бош ҳукмдор эгалигига ўтганлиги ҳақида ёзилган³⁸.

Суғд ва Фарғона ўртасидаги сиёсий алоқалар, хусусан, Панж ҳукмдори Деваштич ва Фарғона ҳукмдори ўртасидаги муносабатлар характери Муғ тоғида топилган ҳужжатлар қаторида акс эттирилган. Диссертацияда милoddан аввал IV-III асрлардан бошлаб илк ўрта асрларгача бўлган даврда Суғднинг Еттисув билан алоқаларининг фаоллашиши жараёни ёритилган. Еттисувдаги суғдийлар савдо-сотиқ олиб борадиган манзиллари (факториялари) ўзининг тижорий аҳамиятидан ташқари, маданият марказлари ҳам бўлган, Суёб ва Талос шаҳарлари эса Ғарбий Турк ҳоконлигининг сиёсий ва ҳарбий марказлари бўлган. Шаҳарларни турк ва суғд ҳукмдорлари бошқарган. IX-X асрлардан бошлаб Еттисувда яшаган суғдийлар “туркларнинг кийимлари ва одатларини ўзлаштирган” ва уларнинг турклар билан ассимиляцияси бошланган. Бундай этник алоқалар Муғ тоғи архив ҳужжатлари орасида топилган панжикентлик турк Ўт-тегин ва Еттисувлик суғдий қизи Дугуднунчо ўртасидаги “никоҳ шартномаси”да акс эттирилган³⁹. Илк ўрта асрларда Еттисувда кечган бу жараёнлар кўчманчи ва ўтроқ маданиятларнинг ўзаро алоқалари ҳамда унинг суғдийлар ассимиляцияси марказига айланишига олиб келган.

VI асрнинг 60-йилларида Суғд Хитойдан Волга дарёсигача чўзилган Турк ҳоконлигининг бир қисмига айланган. Суғдийлар, турклар Хитойдан солиқ сифатида олган шойи билан савдо қилиш имконига эга бўлишган. Лекин Сосонийлар ҳукмронлик қилган Эрон ҳукмдорлари суғд савдогарларининг ипакни Византияда сотишига тўсқинлик қилишган. Бунда суғдийлар ҳокон Истамининг розилиги билан ушбу масалаларни ҳал қилиш учун Эронга суғд савдогари Маниах бошчилик қилган элчилар гуруҳини юборишган, лекин бу ҳаракат муваффақиятсиз якунланган. 568-569-йилларда Константинополга Юстин II саройига юборилган турк элчиларига ҳам Маниах бошчилик қилган. Маниахга Эронни четлаб ўтиб, бевосита Византия билан савдо муносабатларини ўрнатиш вазифаси топширилган. Бу гал Маниах Истемихоннинг совғалари ва хатларини етказиш мақсадида, Эронга бўйсунган мамлакатларни четлаб ўтиб, Византияга бориб вазифани муваффақият билан бажарган. Император, ўз навбатида, Византия элчиларини саркарда Земарх бошчилигида Истемихонга йўллайди⁴⁰. Суғдийларнинг Эрон ва Византия билан муносабатларида буюк Ипак йўлининг бир қисмини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Умуман олганда, суғдийларнинг сиёсий ва савдо-иқтисодий фаолияти Буюк Ипак йўлида улар томонидан манзилгоҳлар яратилиши учун сиёсий,

³⁸ <https://liter.kz/vpervye-polnyi-obrazecz-drevnej-pimennosti-nashli-arheologi-v-turkestan-skoj-oblasti/>.

³⁹ Махмуд Кошғарий. Девону луғатит турк... 1– жилд. – Б. 65; Кляшторный С.Г. Согдийцы в Семиречье. // СЭ, 1958. – № 1. – С. 7–11; Лившиц В.А. Согдийцы в Семиречье: лингвистические и эпиграфические свидетельства. // В кн. письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XV годичная научная сессия ЛО АН СССР (доклады и сообщения). Часть 1(2). – Москва, 1981. – 81 с.; Каримова Э.Н. Суяб и Талас – важные стратегические пункты на Великом шелковом пути // Shygys, 2005. – № 2. – С. 20–25.

⁴⁰ Пигулевская Н.В. Византия на пути в Индию. Из истории торговли Византии с Востоком в IV–VI вв. – Москва–Ленинград, 1951. – 203 с.; Morovcsik G. Byzantinoturcica / Die byzantinischen Quellen der Geschichte der Turk Volker. – II. 2. Aufl., Bd. 1–2. – Berlin, 1958. – Pp. 67–78; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – С. 143–144.

ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий асос яратилишига хизмат қилган.

Диссертациянинг **“Хитойда суғдийлар диаспораси (VI-VIII асрлар)”** деб номланган учинчи бобида VI асрда Хитойда суғдийларнинг деярли катта диаспораси шаклланганлиги очиб берилган. VIII асрнинг ўрталарида Шарқий Туркистоннинг Суғд ҳудуди билан алоқалари IV асрагидек мустаҳкам бўлган. “Кўхна хатлар”нинг бир қисми Самарқандга йўлланганлиги, Суғд ҳудудида VIII—X асрларда суғд тилининг аста-секин форс-тожик тилига алмашиши жараёни суғдийларнинг Хитойдаги диаспорасида ҳам кечганидан далолат беради.

Суғдлар учун савдо-сотиқ асосий машғулотга айланган эди. Суғдийлар ўзининг Шарқдаги илк манзилгоҳларини Еттисув ҳудудида ташкил қилганлар⁴¹. V-VII асрларда суғдийлар ўз манзилгоҳларини Чу, Или ва Талас водийларида жадал суръатларда ташкил қилганлар. У ерда ўнлаб мустаҳкам қишлоқ ва шаҳарлар пайдо бўлган. Археологларнинг маълумотларига кўра, Тараз шаҳрининг пайдо бўлиши суғдийларнинг Талас водийсига келиши билан боғлиқ. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида суғдийлар манзилгоҳлари, қишлоқлари Буюк Ипак йўли бўйлаб – Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Ғарбий Хитой ҳудудларида жойлашганлиги аниқланган⁴². Ҳинд дарёсининг юқори қисмида археолог К. Йеттмар томонидан қояларга ўйилган кўп сонли ёзувлар топилган. Уларда суғдийлар Помир тоғлари орқали жануб йўли орқали Ҳиндистон билан фаол савдо қилганликлари ҳақида маълумотлар келтирилган⁴³. Жанубий йўлнинг бош маркази - Шаньшанда, олим Л.Джилеснинг маълумотига кўра, бир нечта қишлоқлардан иборат бўлган суғдийларнинг катта манзилгоҳлари бўлган⁴⁴.

Милоддан аввал III асрда суғдийлар савдо фаолиятининг кўлами Шарқий Туркистон ва Хитойгача етиб борган, у ерларда суғдийларнинг манзилгоҳлари пайдо бўла бошлаган. Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон ҳудудларида аста-секин ягона этномаданий макон шаклланган бўлиб, у Суғд-Хитой муносабатлари характерини белгилаб берган. Масалан, Шимолий Вэй (386-550) ва Суй (581-618) сулоласи даврида Хитой элчилари (Ван Эншен, Хей Ван, Туе Юань, Шао Мин, Чжечжиба, Вэй Цзе) Суғдга ташриф буюришган, Тан (618-907) сулоласи ҳукмронлиги даврида эса 627-647-йилларда Суғддан Хитойга 9 марта элчилар гуруҳи юборилган⁴⁵.

Жумладан Суғдийлар Гансу ва Ордосда ҳам фаол бўлишган. Бэй-ан туманининг ҳукмдори (духуфу) самарқандлик – Кан Су-ми бўлган, Вэйчжоу туманининг ҳукмдори эса бухоролик – Ань Ту-хан бўлган. Шачжоу

⁴¹ Бернштам А.Н. Согдийская колонизация Семиречья. // Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. – Москва–Ленинград, 1940. – С. 34–42.

⁴² Henning, B. The Date of Sogdian Ancient Letters //BSOS, 1948. - Vol XII. – Pp. 257.

⁴³ Yettmar K. Neuen Felsbilder und Inschriften in Nordbilder Pakistan. // Archaeologic – Beitrage, 1980. – P. 151–159.

⁴⁴ Giles L.A. Chinese Geographical Text of the Ninth Century // BSOS, 1930. – Vol. VI. – 87 p.

⁴⁵ Pulleyblank E.G. A Sogdian colony in Inner Mongolia // TP, 1952. – Vol. 41. – Pp. 356; Harmatta J. Sogdian Sources for the history of Preislamic Central Asia. // Prolegomena to the History of Preislamic Central Asia. – Budapest, 1972. – Pp. 152–165; Литвинский Б.А. Исторические судьбы Восточного Туркестана и Средней Азии (проблемы этнокультурной общности). // Восточный Туркестан и Средняя Азия. История, культура, связи. – Москва: Наука, 1984. – 28 с.

(Дуньхуан), Гуачжоу (Анси), Сучжоу (Жючюан), Ганчжау (Чжангье), Лянгжоу (Увэй) ва Ланчжоу (Гансу маркази) шаҳарларда ҳам суғдийлар нуфузи ортган. Хитой ҳукумати “чжаову жю шин ху” – “тўққиз юртдан келган ху (суғдийлар)” турли солиқлар, у билан боғлиқ низолардан ҳоли эканлигини эълон қилган. Чунки Хэси йўли савдо-сотиқни амалга ошириш учун жуда фойдали ҳисобланган. Хитой тарихчилари Ванг Чжэнгья ва Гуан Лянчжи суғдийларнинг милоддан аввалги V асрдан бошлаб – X асргача бўлган даврда Буюк Ипак йўлидаги фаолиятини юқори баҳолашган⁴⁶.

Гуюан шаҳрида (Нинся вилояти) археологлар Ши, Кан, Нэ исмли суғдийларнинг қадимий оммавий қабрларини (VI-VII асрлар) топганлар. Милоддан аввал 114 йилда асос солинган Гуюань шаҳри, қадимда Даюнь деб номланган. Буюк ипак йўлининг марказий йўлида жойлашган ушбу шаҳар Фарб ва Шарқ ўртасидаги маданий алмашинувда катта ўрин тутган⁴⁷.

Шундай қилиб, Суғд савдогарлари Ўрта Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо муносабатларида асосий воситачилар бўлганлар, деб таъкидлаш мумкин. Ўрта Осиё Хитой ҳудудида буддавийликнинг тарқалишида ҳам муҳим рол ўйнаган. Хусусан, мазкур диннинг тарқалишида Ўрта Осиёлик миссионерлар бевосита иштирок этишган (Кан Мэнсян, Канг Цзюхай). Ўз навбатида, хитойлик буддавий роҳиблар (Сюань Цзан, Чжанг Чян, Бан Чао) дипломатик ва миссионерлик мақсадлар билан Ўрта Осиёга ташриф буюрганлар ва бу саёхатлар ҳақида ўз ёзувларини қолдирган.

ХУЛОСА

Буюк Ипак йўлида Суғд манзилгоҳлари ва унинг тарихий аҳамияти масаласини таҳлил ва тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Суғд ҳудудида ўтказилган археологик тадқиқотлар мил.авв. VII-IV асрларда Суғд тарихининг долзарб муаммоларини ўрганишда салмоқли фактологик асос яратди. Ўрганилаётган мавзунини тарихшунослик нуқтаи назардан таҳлил қилиниб ҳолатини яхлит ҳолда, олимларнинг изланишлари туфайли муайян муваффақиятларга эришилган. Улар қуйидагилардан иборат: биринчидан, қадимий ва ўрта асрларга оид манбалар, XIX аср бошлари – XX асрда яратилган тарихий адабиётларни ўрганишда; иккинчидан, археологик топилмаларни талқин қилиш ҳамда Буюк ипак йўлида суғдийлар томонидан манзилгоҳлар яратилишини ўрганиш соҳасидагилар шулар жумласидандир.

2. Суғдийлар ва Суғд манзилгоҳларини ўрганган мамлакатимиз тарихчилари ишларини шартли равишда икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: Биринчи гуруҳга - совет даврида амалга оширилган тадқиқотлар киради. Уларда Суғдиёна тарихининг долзарб муаммоларини ўрганиш имконини

⁴⁶ Pelliot P. Le “Cha tcheoutou fou tou king” et la colonie sogdienne de la region du Lob-Nor. // JA, 1916. – Vol. VII. – № 1. – Pp. 122; Чугуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана. // СНВ. – Москва: Наука, 1971. – Вып. X. – 147 с.

⁴⁷ Чжао Сяоцзя. О памятниках согдийцев – эмигрантов по фамилии Ши 6–7 в китайском Гуюане. // Актуальные проблемы Центральной Азии и Кавказа. – Москва: Социум, 2015. – С. 133–139.

берган. Лекин улар кўпроқ археология масалалари, манзилгоҳлар стратиграфияси, материаллар хронологияси, керамика (сопол) мажмуаларини, маиший ашёларни ўрганиш ва бошқа масалаларни умумлаштиришдан иборат бўлган. Иккинчи гуруҳга - мустақиллик даври ишлари киради, улар методологик ёндашувлари, шунингдек, фактологик маълумотлар билан бойитилганлиги билан ажралиб туради. Чунки Буюк ипак йўлида суғдийлар диаспораси тарихи билан боғлиқ баъзи далиллар, охириги йиллар давомида қилинган Хитой археологлари топилмалари туфайли маълум бўлган.

3. Буюк Ипак йўлидаги суғдийларнинг савдо-сотиқ ва дипломатия соҳаларидаги фаоллиги эълон қилинган бир қатор илмий ишларда ўз аксини топган. Буюк ипак йўлидаги суғдийлар ҳақида кўплаб монография ва мақолалар нашр қилинган бўлиб, улар ҳам Буюк Ипак йўлининг шаклланиши ва амал қилиши, турли даврларда ундан олиб ўтилган товарлар характери, дипломатик ва маданий алоқалар, унинг йўлларидаги шаҳарлар муаммоси, ҳам ундаги суғдийлар диаспораси тарихи ва ҳоказоларга бағишланган. Шунга қарамадан Буюк ипак йўли тарихини даврлаштириш ва у билан боғлиқ масалалар XX аср бошларида тарихий ва тарихшунослик адабиётларида қисман ўрганилган, холос.

4. Қадимий Суғдиёна Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган йирик тарихий-маданий ҳудудлардан бири бўлган. У қўшни давлатларга ҳар доим катта таъсир ўтказган ва улар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Суғдийлар савдо муносабатларининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар, улар Ўрта Осиё ва бутун Шарқда яхши дипломатлар, воситачилар бўлган ва миссионерлик қилишган. Илк ўрта асрлар даврида Марказий Осиё ҳудудида кичик воҳалар мавжуд бўлган, улар аҳолисининг ўзига хос маданияти бўлиб, улар қўшни ҳудудлар аҳолиси ҳамда атрофдаги кўчманчи қабилалар билан яқиндан алоқа ўрнатганлар. Мазкур даврда Зарафшон водийси аҳолиси – суғдийлар томонидан яратилган маданият равнақ топган. Турк қабилалари томонидан бевосита ва бавосита татбиқ қилинган инновациялар суғдийлар маданиятининг ажралмас қисмига айланган.

5. Буюк Ипак йўлининг халқаро трасса сифатидаги иқтисодий ва маданий функцияларининг Суғд шаҳарлари ва суғдийлар томонидан таъминланганлиги ҳақида кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд. Суғд савдогарлари нафақат ўз давлатлари ҳудудида, балки унинг чегараларидан узоқда ҳам фаолият кўрсатишган. Суғдийлар Марказий Осиёнинг ичкарасида ҳам савдо йўллари бўйлаб манзилгоҳлар яратганлар. Буюк Ипак йўли бўйлаб амалга оширилган савдо–сотиқнинг юксалган даврларида Ғарб мамлакатларида суғдийлар нуфузли чет эл жамоасини ташкил қилганлар. Суғдийлар кўплаб мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни ўрнатганлар.

6. Суғд савдогарлари Ўрта Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо муносабатларида воситачилик қилганлар. Суғдийлар ва хитойликлар ўртасидаги дастлабки алоқалар хитойликлар Суғд маданияти билан Марказий Осиё ҳудудида танишганда ўрнатилган. Хусусан, Дуньхуанда

самарқандлик савдогарларининг контрагентлари (шартнома тузган томонлардан бири) бўлиб, ўз хўжайинлари топшириғига мувофиқ, улар Шарқий Туркистон воҳаларида фаол савдо-сотиқларни амалга оширганлар ва бу ҳақда Самарқандга батафсил ҳисоботлар юборганлар. Хитой ва Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўзаро таъсирининг асосий иштирокчилари бўлган суғдийлар зардуштийлик, буддавийлик, монейлик, христианлик, насронийлик динларни тарқатувчи миссионерлар ҳам бўлган.

7. Македониялик Александрнинг босқинчилик юришлари, суғдийларнинг шарқий йўналишда кўчиб кетишларига туртки бўлган. Бу суғдийлар кўчишларининг биринчи тўлқини бўлган, дейиш мумкин. Кўчишларнинг иккинчи тўлқини Турк ҳоконлигининг яратилиши ва унинг фаол халқаро фаолияти билан боғлиқ. Бироқ суғдийларнинг энг йирик кўчиши араблар харбий юришлари ва Араб халифалигининг ташкил топиши даврига тўғри келган.

8. Суғдиёнанинг ўзида VII асрнинг ўрталарида мураккаб сиёсий вазият, Хитойнинг Марказий Осиёдаги ўрнининг кучсизланиши ва тибетликларнинг бостириб келиши VIII асрнинг иккинчи ярмида суғдийларнинг кўплаб манзилгоҳлари йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлган. Энг кучли оилалар ё ватанига қайтиб кетган, ёки уйғурлар таъсири остида бўлган ҳудудда тарқалиб кетган. Улар авлодларининг бир қисми Хитойдаги буддавийлар ибодатхоналарига жойлашиб, охир оқибатда хитойликларга аралашиб кетган. Умуман олганда, суғдийларнинг сиёсий ва савдо-иқтисодий фаолияти Буюк Ипак йўлида улар томонидан манзилгоҳлар яратишлари учун сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этно-маданий замин яратишга ёрдам берган.

Юқоридаги асосий хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ҳозирги даврда Буюк ипак йўлининг тикланиши билан боғлиқ равишда Суғд манзилгоҳларини тизимли комплекс тадқиқ қилиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ, уни амалга оширишда турли соҳа ва дунёнинг турли мамлакатлари мутахассислари иштирок этиши мумкин.

2. Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро институти фаолияти доирасида “Суғдийлар тарихини ўрганиш ҳужжатлар маркази”ни очиш ҳамда минтақа тарихи ва маданияти ёдгорликлари махсус базасини яратиш ҳамда етакчи олимларнинг асарларини мунтазам нашр қилинишини ташкил қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот институтлари томонидан Буюк ипак йўлида Суғд манзилгоҳлари тарихи, маданияти, геосиёсати ва иқтисодиётини ўрганишнинг долзарб жиҳатларига бағишланган анжуманлар, давра суҳбатлари ва симпозиумларни ўтказиш. Маданий туризмни кенг миқёсда ривожлантириш мақсадида Суғд ва суғдийларнинг Марказий Осиё ва Хитойдаги тарихи билан боғлиқ бўлган туристик ўлкашунослик маршрутларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 ON AWARDING THE
SCIENTIFIC DEGREES UNDER THE NATIONAL UNIVERSITY OF
UZBEKISTAN**

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

VAISOVA NODIRABEGIM AVAZOVNA

**SOGDIAN COLONIES ON THE GREAT SILK ROAD AND THEIR
HISTORICAL SIGNIFICANCE**

07.00.01 — History of Uzbekistan

**DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
ON HISTORICAL SCIENCES**

Tashkent – 2022

The theme of the dissertation of doctor of philosophy (PhD) of historical sciences has been registered by the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number № B2021.4.PhD/Tar455.

Dissertation has been prepared in National University of Uzbekistan.

The abstract of dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) is available on the website of Scientific Council (www.ik-tarix.nuu.uz) and on Informational-educational portal "ZiyoNET" (www.ziynet.uz)

Scientific supervisor:

Kobzeva Olga Petrovna

Doctor of historical sciences, professor

Official opponents:

Ataxodjaev Azimxuja Muzaffarovich

Doctor of historical sciences

Babayarov Gaybulla Bollichev

Doctor of historical sciences

Leading organization:

Tashkent State University of Oriental Studies

The defence of the dissertation will be held on «____» _____ 2022 at ____ at the meeting of the Scientific Council Number DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 on award the scientific degrees under the National University of Uzbekistan (Address: 100174, Tashkent, M.Golib street, Faculty of History, 1-st floor, 110-room. Tel: (99871) 227-12-24; Fax: (99871)246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz National University of Uzbekistan).

Dissertation can be found in the informational-source center of the National University of Uzbekistan (registered under_____). Address: 100174, Tashkent, University street, 4. Head building. Tel: (99871)236-46-55; Fax: (99871) 246-02-04.

Abstract of dissertation is delivered «____» _____ 2022

(register of certificate of delivery №_____ of «____» _____ 2022).

Kh.E.Yunusova

Chairman of the scientific council
on awarding the scientific degrees,
doctor of historical sciences,
professor

J.E.Togaev

Secretary of the Scientific Council
on awarding scientific degrees,
Doctor of Philosophy (PhD) on
historical sciences

N.U.Musayev

Chairperson of the scientific seminar
by sciences council by awarding the
sciences degree doctor of historical
sciences, professor

INTRODUCTION (Abstract of PhD dissertation).

The object of the research is the history of the Sogdian colonization of the Great Silk Road.

The subject of this research is the political, economic, socio-cultural processes that accompanied the activities of the Sogdians on the Great Silk Road.

The scientific novelty of the research is as follows:

It is proved that the Sogdians are a special historical ethnos (people) of Central Asia, which, with the help of their positive trading and intermediary abilities, tolerance and language skills, for many centuries became a link in diplomatic, economic, cultural relations on the Eurasian continent;

Substantiated that the statehood of the Sogdians was developed until the beginning of the VIII th century on the basis of a single monetary and tax system, the recognition of Samarkand Sogd as the capital center, the unification of the military forces of the Sogdians against an external enemy, as well as the religious tolerance of the Sogdian possessions;

It is proved that the creation of Sogdian settlements on the Great Silk Road, which are based on such traditional features of the Sogdian people as: community, tolerance, enterprise, mutual assistance, influenced the management systems of the Turks and Chinese, which is an undoubted achievement of the Sogdians;

substantiated the influence of the Sogdians on the processes of mutual enrichment of Chinese and Sogdian cultures, urban planning, writing, Sino-Sogdian relations of the early Middle Ages, which became one of the important factors in the development of the East Turkestan region, and determined the Sino-Sogdian rivalry for leadership in socio-economic spheres.

Implementation of research results. On the basis of scientific conclusions and proposals developed on the history of the Sogdian colonization of the Great Silk Road, the following was carried out:

Results and recommendations related to the study of the history of Sogdians and Sogdian culture were used in the work of the Committee on Science, Education, Culture and Sports of the Legislative Chamber of the “Oliy Majlis” of the Republic of Uzbekistan 2020), in particular, they are recommended to be used in the development of strengthening ties with the People’s Republic of China, in the work of National Cultural Centers, embassies, and Friendship Societies. As a result of the research, recommendations were proposed to help the study of the history and culture of Sogdians in the world, to use materials on the history of the Sogdian colonization of the Great Silk Road in the development of international tourism;

The results of the study of the history of the Sogdian colonization of the Great Silk Road, in particular, the Sogdian tea trade on the territory of Uzbekistan were used as a source study base in the preparation of the scientific and educational program “Hayrli Kun” on the “O’zbekiston” TV channel of the National TV and Radio Company of the Republic of Uzbekistan, which aired in 2019 October 12 (Certificate No. 01-14-464 of October 12, 2019 of the state unitary enterprise Television and radio channel of “O’zbekiston” state unitary enterprise Republic of

Uzbekistan), which contributed to an increase in interest in this topic and the popularization of the traditions and characteristics of Uzbek tea drinking;

Materials on the study of the process of dissemination by the Sogdians among the Turkic and Chinese population of the region of the traditions of urban planning, writing, artistic images were used in the “Taqqimot” program on the Television and radio channel of “O‘zbekiston” state unitary enterprise Republic of Uzbekistan, which aired in 2021 on May 31 (Reference No. 02- 40-863 of May 31, 2021 of the state unitary enterprise Television and radio channel of “O‘zbekiston” state unitary enterprise Republic of Uzbekistan), which, as a result, was an incentive to increase interest in the topic of Sogdian trade as one of the components of the history of trade of the peoples of Uzbekistan.

The Sogdians were a unique ethnic group (folk) of Central Asia, as a result of positive trading skills they were a connecting link in diplomatic, economic and cultural relations on the Eurasian continent, from the moment the Sogdian statehood was formed until the beginning of the 8th century, they had their own monetary and tax system. the Sogdian army was able to resist external threats, religious tolerance became the core basis for the formation of Samarkand as the capital, which from ancient times with the main residence of the Sogdians, was used in the program "Takdimot" on the TV channel "O'zbekiston tarixi" of the National Television and Radio Company of the Republic of Uzbekistan, which aired on May 25, 2022 (Certificate No. 06-31-744 dated May 25, 2022 of the State unitary enterprise Television and radio channel of “O‘zbekiston” of the Republic of Uzbekistan). This served to increase the audience's interest in the topic of the history of trade relations between the Sogdians, who were one part of the peoples of Uzbekistan, with China.

The structure and scope of the thesis. The research consists of an introduction, three chapters, a conclusion, a list of used sources and literature. The research part consists of a dissertation of 125 pages.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

1-бўлим (часть 1, part 1)

1. Ваисова Н.А. Зарубежная историография о согдийской диаспоре в Средней Азии и Китае // Ўтмишга назар. – Тошкент, 2019. №11. – Б. 87-95. (07.00.00. №41).
2. Ваисова Н.А. “Марк Аурел Стейн и открытие “старых согдийских писем” // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2019. №4. – Б. 139-144. (07.00.00. №12).
3. Ваисова Н.А. Согдийцы – купцы, чиновники, дипломаты на Шёлковом пути: в новых зарубежных исследованиях // Мозийдан садо. – Тошкент, 2019. №2. – Б. 38-40. (07.00.00. №2).
4. Ваисова Н.А. Новинки зарубежной историографии о согдийцах на Великом Шёлковом пути // ҚарДУ хабарлари. Қарши, 2020. №2. – Б. 72-75. (07.00.00. №25).
5. Vaisova N.A. History of the study of the Sogdian diaspora at the Great Silk Road // International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology. – India, 2020. – P. 1353-1358. (№23: SJIF Impact Factor: 7.512).
6. Ваисова Н.А. Некоторые новые аспекты в изучении Согдийской колонизации великого Шелкового пути // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2021. №1. Махсус сон. – Б. 4-6. (07.00.00. № 22).
7. Ваисова Н.А. Торговая и дипломатическая деятельность согдийцев на Шелковом пути // История Культуры и вопросы историографии центральной Азии. Республика Илмий-амалий конференцияси. –Тошкент, 2019. – Б. 55-57.
8. Ваисова Н.А. История древней Согдианы на территории Узбекистана // Ижтимоий-гуманитар таълим ва ёшларни илмий тадқиқотга жалб этиш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция. – Қарши, 2020. – Б.115-117.
9. Ваисова Н.А. Согдийцы-купцы предприниматели на шелковом пути // I Международное книжное издание стран Содружество Независимых Государств. “Лучший молодой ученый-2020”. Международная конференция. – Казахстан, 2020. – С. 85-87.
10. Ваисова Н.А. Зарубежные научные центры, по изучению согдийской диаспоры на шелковом пути // Материалы 2-ой Международной конференции «Великий Шелковый путь – дорога мира, согласия и стабильности». – Туркестан, 2020. – С. 300-305.

II бўлим (II часть; II part)

11. Vaisova N.A. Sogdians in China: A Phenomenon in History and culture in medieval China // Psychology and Education, 2021. 58 (1). – Pp. 4956-4965.

Автореферат «ЎзМУ хабарлари» журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босмахона лицензияси:



9338

Бичими: 84x60 ¹/₁₆. «Times New Roman» гарнитураси.

Рақамли босма усулда босилди.

Шартли босма табағи: 3. Адади 100 дона. Буюртма № 55/22.

Гувоҳнома № 851684.

«Тірографф» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.

Босмахона манзили: 100011, Тошкент ш., Беруний кўчаси, 83-уй.